

— Ҳазрат Навоий, Бехзодлар даврини Шарқ маданиятининг уйғониш даври, деб атаймиз. Бугун, XX аср охири ва XXI аср бошлангида халқимиз, Ватанимиз тарихида асрий кулликдан сўнг, уйғониш даври бошланди дейиш мумкин. Ўзбек давлати сносий-иктисодий, ижтимоий соҳаларда бу тарихий жараёни босиб ўтаётган, деган ўйга бораман.

— Ўтмиши буюк халқнинг келажига ҳам буюкдир — ҳурмати Президентимизнинг бу сўзлари юртдошларимиз ақлу шуури, қалбини нурлантириб юборгани айни ҳақиқатлар.

Эҳ-ҳа, бу қадим юрт тупроғи, бу жафоқаш, меҳнатқаш халқ не не куёшли ва булутли қора кунларни, не сирю синаотларни бошидан кечирмади, дейсиз. Барисига донишманд тарих гувоҳ. Инсониятнинг шаклланиш давлари ни қамраб олган афсоналар, қадимги туркий ёзувлар ва ёно-малар, эрамизгача даврда Грек ва Рим тарихчилари ёзиб қолдирган манбалар, Зардуштийларнинг муқаллас «Авесто» китоби, Панжикент, Болаликтепа, Далварзин, Айритом, Афросиёб, Тупроққалъа, қадим Хоразм, Варакшадан топи-ган осори-атиқалар — бари-бариси ажлодларимиз ҳаётидан, маданиятидан, бой маънавий дунёсидан дарак беради. Жаҳондаги энг қадимий халқлар қаторида ўзбек халқининг ҳам фахрлинига аризулик ўзига яраша тарихи, маданияти, дунё цивилизациясида ўз ўрни, овози бор, дейишга тўла ҳаққимиз. Мен мамлакатимизнинг ҳозирги ҳаётини, асосан, иқтисодий ислохотлар ўз ечимини топаётган ҳар бир кунимизнинг тўри маънада иқтисодий-саноий жаҳондаги уйғониш даври, деб тушунаман. Бунга қисқа вақт ичида қирғилган мустақиллик иншоотлари гувоҳ. Буни мен айтмасам ҳам, халқимиз кўриб-билиб турибди.

— Биз галати муҳитда яшайдиқ. Хориқлик классик рассомларнинг ўн-ўн бештагини қойилмақом қилиб санаб берадиқ... Ўзимизнинг мусаввир боболарга келсак, ер чизардиқ. Очинг, аллома Бехзоднинг ҳам кўнглимиз Пиримқул Қодир-романчалари орқали яхшироқ аңғладиқ.

— Шўролар замонида Камолиддин Бехзод номи ва ижоди атайлаб четлаб ўтиларди. Ўқув юрлариде бўлажак ўзбек рассомларига зўр бериб Ярошченко, Чистяков ёки Пряншиников каби рус рассомлари мактаби ҳақида сўз юрйтири, тинимсиз мияга қуйиларди-ю, аммо руҳи-поклари дилимизга яқин ва қарли Камолиддин Бехзод ҳазратлари санъати ҳақида лом-лим дейилмасди. Ваҳоланки, улуг бобоқолонимиз, мана неча асрди, Фарбда «Шарқ Рафаэли» деб эъзоиланади, унинг ижоди ихлос билан ўрганилади. Унинг асарлари Англия, Американиннг энг муътабар музейларида авайлаб-асраллади. Шахсан мен учун Камолиддин Бехзод номи Рафаэздан кўра юқори туради ва мен ҳамини Рафаэль ҳақида гап бора-ман, уни «Фарб Бехзоди», деб атайман. Чунки Бехзод асарларидаги композиция кучи Рафаэл асарларидан кўра, бир неча чандон юқори туради. Биламан,

бу икки юрлуг санъаткорни таққослаш нотўғри, лекин мен учун қиримларининг бадий мукам-маллиги жиҳатидан Камолиддин Бехзод асарлари — юксак поғонада. Не бахтки, Камолиддин Бехзод номи бугун дилимизнинг гўрида. Республика миллий рассомлик ва дизайн институти ҳазрат номлари билан аталди. Камолиддин Бехзод номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Улуғ аждодимизнинг ижоди дарслиқлар саҳифаларидан ўзи-

• ЁРУФ ХИЁБОН

республикамида ҳеч курса биргина рассомлар тайёрлайдиган олий ўқув юртини ташкил этишга ижозат берилмади. Эски тос, эски ҳаммом деганларидек, энг баланд курсларда ўтирган оғалардан нуқул бир хил жавоб келарди: «Ўзбекистонда эҳтиёж, шарт-шароит, салоҳият, мутахассис имкониятлари ҳали мукаммал даража етганича йўқ». Ваҳоланки, айни ўша даврда атиги бир миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган Эстония Санъ-

фалари ҳам айнан шу асосла қурилган. Бу борада республикамида амалга ошириладиган ишлар бизга қўшни бўлган мамлакатлардаги вази-ини ва ҳолат билан солиштирилганда, еру осмондек фарқ қилишини сезиш қийинмас. Устахоналар рассомлар учун бепул хуёсийлаштирилган. Кўргазма заллари эшиги уларнинг асарлари учун кенг очиб қўйилган. Санъаткор аҳлига кўп нарса керакмас, аслида унинг ижоди қадрланса, тўла қувват билан меҳнат

сўраб қолди. Мен унга бизда ўқиб бепулдигини, устига устак, давлат талабаларни стипендия билан таъминлашни айтдим. Улар ўқини битиргач, албатта, давлат буюртмаси бўйича бориб ишлайдими? — деб сўради у яна. Унга: «Бу шарт қилиб белгиламанман», дея жавоб бердим. У шунда: «Мен барибир сизлардаги таълим тизимини тушунишга ожизлик қилманман, менинг ва менинги талаба дўстларимни бирон бир компания, ёки бошқа бир манба, фонд олий билим даргоҳидаги ўқиниши маблағ тўлаб таъминлайди. Ўқиниши битирганимиздан сўнг, ишлаб, сарфланган пулни икки баравар қилиб қайтарамиз, ёки ишлаб берамиз», — деди.

Ўйлиниб қолдим. Бизнинг бутунги талаба давлат томонидан кўрсатилгантам гамхўрликни ҳис этадими, ўз халқи ва Ватани наздида ҳамини қардор эканлигини аңглаб етadими, шунга яраша ўқиб, билим эгаллаш ва кашфиётлар қилишга ўзини чоғлай оладими?

— Санъат инсон тасаввурини чархлайди. Дунёнинг жаминки тўпоноларига ёрулик ва поклик тим-соли, эзгу оҳанглар қоршиқ асарни қарши қўйиш мумкин... Ва у галаба қилишга ишонаман. Келинг, мавзуга қайтайлик. Мамлакатимизда ташкил этилган Бадий академиянинг моҳиятини, юқорида айтганимиздай, ҳатто айрим мутасаддилар ҳам яхши аңғлаб улгурмаётгани аҳшайди.

— Муаммолар бор... Очиг айтишим мумкин. Биласизми, шу даврда бизнинг онгимизга фақат рус санъатининг буюклиги сингдириб келинди. Собиқ марказнинг қорчалон ва унинг маҳаллий гумашталари мустақиллигимизга 6 йил бўлишига қарамай, ҳозиргача собиқ даврни кўмсаб, очикдан-очик ҳали ўзбек тасвирий ва амалий санъатида муҳит, академия тизими ташкил бўлиши учун эса вақт етилгани йўқ, рассомларимиз уюшмаси Москва билан боғланиб турири зарур, чунки эрта-индин МДХ жишпашгач, бу жараён тезлашиб аниқ, ўшанда яна қайталан эски шакл-ли тиклашга тўғри келадди, деб жаза-вага тушиб қўриларди. Ҳа, майли, уларнинг мақсади аниқ, Лекин ўз милли-тимизга мансуб ва маълум лавозимларда ўтирган айрим шахсларнинг ҳам шундай қарашлар тасирини эканлиги ҳақиқатдан ҳам аниқлири. Рассом-дизайнер учун кичик-кичик хона бўлса бас, уларга металлга, ёғочга ишлов берувчи дастгоҳлар нима керак деб юрган масъулларни қандай тушуниш мумкин?


— Президентимизнинг «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш» ҳақидаги Фармони шу йилнинг 23 январиде эълон қилинди. Бу Фармонда Қорақалпоғистон Республикасида, Тошкент шаҳрида ва барча вилоятларда битилган Бадий академиянинг тасвирий ва амалий санъат шишлай-ларини ташкил этиш белгилаб қўйилган.

Бироқ санъатимиз, иқтисодий-маданий тараққийетимиз учун бугун ўта муҳим бўлган бу ишни баян раҳбарлар бу мактаб бизники, бу лицейни бермаймиз деб қаршилик кўрсатиш билан келажак ривожий йўлида тўсиқ бўлишадиганини сезишмаётмикин?! Ахир Андижон ёки Самарқандда илгор академик бадий ўқув тизими жорий этилган мактабда кимнинг болалари, қайси вилоятнинг келажиги таҳсил олади, деган ўйга боришинг пайти эмас-ку, ҳозир.

«Халқ сўзи» мухбири Кўқор НОРҚОБИЛ сўхбатлашди.

ЖАҲОНДА ЎРНИ БОР МИЛЛАТМИЗ

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали КЎЗИЕВ билан сўхбат



нинг муносиб ўрнини топишти, обрўси, кадр-қиммати узвий ва мантқиқий равишда тикланипти.

Мен аслида маданиятимиз, тасвирий санъатимизда юз берган жуда катта воқеа, Президентимиз Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Бадий академияси ҳақида сўз юритмоқчи эдим... олис тарих, мозий саҳифаларини арақлаб, асл мақсаддан чалиб кетмадимми? — Саволи атайлаб олисдан олиб келдим. Бемалол...

— Бадий академиямиз чексиз ва тап-тақир чўлу-биебонда қўққисдан пайдо бўлиб қолгани йўқ, ахир. Бу кўтлуг даргоҳ ўзининг мустақкам таънича — пойдевориға, неча-неча асарларни қамраб олган мазмун-моҳиятига эга эканлигини яна бир бор ифтихор ва қувонч билан қайд этпим келди, холос.

Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкил этилиши, ўз фаолиятини бошлаб юборганлиги юртдошларимиз қалбини фахру ифтихор туйғусига тўлдирди. Айни дамда бу ишнинг аҳамиятига тушуниб етмаганлар истеҳзо билан: «Тасвирий санъатимиз ҳали бундай номга лойиқ эмас, бу соҳанинг академиклари, профессорлари сони талаб даражасигача етгани йўқ. Умуман, бунақа ортиқча бош оғрикнинг не кераги бор ўзи?», дейишди ҳам. Уларга ўхшашлар йўқ эмас. Кейинги бир аср давомида миллий тасвирий ва амалий санъат намоёндалари бунақа жабру жафони керагидан зиёд бошидан кеңирган. Катта бадий салоҳиятга, етарли ижодий имконларга эга бўла туриб, ўша даврда неча-неча бор уриниш, ҳаракатлар бўлган бўлса-да,

- Мавлоно Бехзод тирилиб келсалар, нима дер эдилар?!
- Санъат — маънавиятнинг кўз қорачиги. Аммо унга шўролар кўм сочди, истиқлол эса...
- «Жоконда» картинасини Москвадан Япониягача 10 дан ортиқ ҳарбий ҳаво кемаси муҳофаза қилиб борди. Нега?

ат институтига, Латвия, Грузия каби кичик республикалар эса ўз Бадий академияларига эга эди.

Хукумат ҳомийлигида ижодий, ил-мий, ўқув ва ишлаб чиқариш муассасалари сифатида Бадий академиянинг ташкил этилиши энг катта галабадир. Бу қувончнинг узоқ-яқиндаги, дўст-ёрларимиз чин дилдан баҳам кўрмоқда.

— Истеҳдодга нисбатан меҳр кўрсатиладигани, унга руҳий мадал бериладигани жамиятнинг тозаратгандан далолатдир.

— Маданият ва санъат ҳамини, ҳамма замонда ўзидан-ўзи ривож топмайди — бу соҳа, албатта, давлатнинг ва беминнат, саховатли ҳомийларнинг ҳимоясига, қўмағига муҳтождир. Сир эмас, кўнгли конуниятлари асосида ҳаёт кечирувчи ижод аҳлининг таъби гоятда нозик бўлади. Мисоли тошдан гул яратиш сеҳри-ю кудратига эга санъаткор кўнглининг тў қадар юксалиши ёки зарраларга айланиб, тупроққа қоришиб, йўқолиб кетиши ҳам осон иш. Ўз эл-юртининг, давлатининг меҳри-ю ардоғини ҳис этиб, кадр-қиммати баланд эканлигини аңғлаб яшаш санъаткорга беқийс куч-қудрат бағишлайди. Ижодий имкониятлари қанот ёзишига туртки беради. Ўтиш даври мураккабликларини кечираётган ёш мустақил давлатимиз санъат ва санъаткорга муносабат бора-сида масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор бераётганлиги, айниқас, қувонarliдир. Бадий академиямиз фаолияти, мақсад ва вази-

қилиши учун шарт-шароит яратиб берила бошлагани. Ана шунда ижоду илҳом булоғи қайнаб тошарди.

— Санъатинг қадрлаган жамиятнинг келажиги ҳам

порлоқдир.

— Санъат — гўзалликдир. Гўзаллик эса дунёни қўққарай, дейишди. Бизнинг республикамида айни кунда санъатга нисбатан ана шундай сиёсатнинг барқарорлигидан мен ўзим бир рассом сифатида фахрланаман. Қай бир йили Леонардо да Винчининг машҳур «Жоконда» картинаси намоиш учун келтирилганлиги бутун мамлакатда унутилмас воқеага айланган эди. Бир ҳолатдан, айниқас, чексиз ҳайратга тушгандим. «Жоконда» картинаси Японияга олиб борилаётганда, энг табаррук, олиймақом меҳмонга, яъни давлат бошчилигига кўрсатиладиган эҳтиром намоиши этилган. Картина ортилган самолёт 10 дан ортиқ ҳарбий ҳаво кемалари эскорти қўршовида учиб борган. Бу — ҳазрати инсон қўлидан бўнад топган санъат асари, гўзалликка кўрсатилган юксак эҳтиром, санъатга бўлган ҳурмат, эътиқод, муҳаббат намунаси.

— Бугунги авлод миллий йуриқларимиз асосида тарбияланапти. Инсон манфаати, унинг келажигига давлат томонидан жиддий эътибор берилляпти. Бунинг жумладан, санъат соҳасида ҳам, қузатиб турибмиз.

— 1995 йил Сеулдаги Сиен-Шинн университети талабаларига ўзбек маданияти ва санъатидан мильрула ўқиганимда, улардан бири: «Сизларда талаба олган таълим учун қанча ҳақ тўлайди», — деб

• ТАКЛИФ

Истиқлол бизга берган инъомлардан бири — хоҳлаган хорижий мамлакатга эмин-эркин бориб келиш бўлди. Мустабид тузум даврида марказнинг руҳсатисиз бирор чет эл давлати, айниқас, Фарб мамлакатларига чиқишини тасаввур қилиб ҳам бўлмасди. У ёки бу сабаб билан «темир кўрган»дан чиқадиған одамнинг етти пушти ойлаб «ипидан игнасиғача» суриштирилар, ўрганилар, таржимай ҳолингизга хиёлгина соя ташлайдиган сабаб ёки воқеа бўлса, хориж сафарига асло умид қила олмасдингиз.

Бугун Тошкент аэропортига қўнаётган ўзимизнинг, шунингдек, чет элларнинг самолётларидан тушаётган йўловчиларнинг аңгачина қисми Ўзбекистон фуқаролари жаҳондан қувониб кетасан киши. Буюк ипак йўли бўйлаб маврибдан машраф-қача дунё кезган ўзбек мустақиллик шарофати билан яна жаҳонгашталик кўлмоқда. Ватандошларимиз турли халқро аңкуманларда, спорт мусобақаларида иштирок этиптилар, хориқликлар билан амалий алоқада бўлмоқдалар, чет элларга саёхатта йўл оломоқдалар. Қанчалар-қанча ешларимиз эса жаҳоннинг энг нуфузли

ЎЗ ЙЎЛИМИЗ БЎЛСА...

ўқув юртларида таҳсил олаётирлар. Улар хориқ сафаридан яна Ватан тупроғига қадим кўра эканлар, ўз эли, юртида эканликларини дарҳал ўқс этишлари жуда муҳимлиги исроҳа муҳтожд эмас. Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтмайди.

Шу ўринда халқимизни дунё билан юз кўриштириш учун

жуда ирбатли ишлар қилаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниямиз раҳбариятига аниқ амалий таклифимиз бор. Тошкент халқро аэропортида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун божхона ва паспорт назоратидан ўтишда алоҳида йўлак ташйла этилса, Давлатимиз фуқаролари бу йўлакдан ортиқча қуроабаликсиз, ўз

паспортларини кўрсатиб ўтиш имкониятига эга бўлсалар. Ахир улар ўз Ватанларига сафардан қайтиб келмоқдалар-ку! Бу назорат жойларида қайта-қайта турли ҳужжатларни расмилаштиришга ҳраят борми?

Бу билан биз «Америка кашф этишга» даъвогарлик қилишдан узоқмиз. Қолаверса, ўша Американинг ўзида АҚШ фуқаролари учун, Фарбий Европада эса Европа Иттифоқида аъзо мамлакатлар фуқаролари учун худди шундай алоҳида «яшил йўлаклар» алаҳқондан бери очиб қўйилган.

Жаҳон жамиятидан муносиб ўрнини эгаллаётган Ўзбекистонда ҳам тараққий этап давлатларнинг ижобий тақрибасини қўлаш фойдалан ҳри бўлмаса керак.

Эркин ЭРНАЗАРОВ.

«ФУЗЕН» ФАРҒОНАЛИКЛАР ХИЗМАТИДА

«ФУЗЕН нусха кўчириш марказлари» номи Ўзбекистон-Америка-Буюк Британия қўшма қорхонаси Фарғона шаҳрида ўз бўлимини очди.

Бу ерга энг замонавий ва мукаммал нусха кўчириш ва кўпайтириш техникаси уратилган. Шу пайтгача фарғоналиклар ҳужжатларни кўпайтириш ёки улардан нусха кўчириш учун босмаюналарга буюртма бериб, қафталаб кутар эдилар. Эндиликда «ФУЗЕН» ёрдамида уларнинг ташвишлари барҳам топади.


Р. КАМОЛОВ, ЎЗА мухбири.

Самарқандда Марказий Осиё Тадқиқотлари Халқро Институтининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Жанубий Корея, Хитой, Хиндустон, Покистон, Эрон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Россиядан келган олимлар ҳамда ЮНЕСКО вакиллари қат-

ТАДҚИКОТЛАР КўЛАМИ КЕНГАЯДИ

нашди. Мажлисида институт раҳбариятининг ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Шунингдек, институтнинг келусиданги фаолияти, ўтказилиши мўлжалланган янги илмий-тадқиқотлар дастури ишлаб чиқилди.



Поилқлар ишбилармон ва тадбиркор Усмонов Умомназаров номига маҳалла жонқури, кўлаб савобли ишлар ташкилотчи сифатида ҳурмат билан тилса оладилар. Усмонов ака бир йишда 20 миллион дона пишак гўшти ишлаб чиқариш қувватига эга заводида раҳбарлик қилиш билан бирга ана шаҳри Попни анда гузалаштириш, чийоига чийо қўйиш кишига салмоқли ҳисса қўшиб келаетир. Жумладан, у яқинда шаҳарда «Уста Имомназар» номи маҳалла гузарини барпо этишда ташаббускор бўлди. Унинг савий-ҳаракати билан маҳалла гузарига кундалик эҳтиёж моллари дўкона, ошона, новийхона, маҳалла кўмитаси хонаси ҳамда турли маросимлар ўтказиш жойи қуриб битказилди.

СУРАТЛАРДА: тадбиркор Усмонов ака Имомназаров ва ички Исроқон Абдурахмонов; меҳнат фахрийси Абдумутал ота Фазлиев «Имомназар ота» чойхонасида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.



• ВАТАН ЯГОНАДИР МАМАСИДИҚ ОТАНИНГ ҚЎШИГИ

Пойтуғ боғига йилгилан тумонат одамлар бир лаҳза жим қолишди. Чунки саҳнада 97 ёшли отахон қўшиқ куйларди. Деярли аср тенгдоши Мамасидиқ ота Халиловнинг лиқопча ушлаган кўллари титради. Кўзларида ёш билан Ватан ҳақида қуйламоқда. Айниқас, баланд пардада «Сен буюксан, сен улғусан, жону жаҳоним Ўзбекистоним» сўзларини такрорлар экан кўз ёшлари куйилиб келди. Қўшиқ тугади. Гулдурок қарсақлар янгради. Отахон ёшли кўзларини яшириб, саҳна тўридаги Ўзбекистон байроғини аста ўпди. Кимдир энтикли, кимдир ўзи билмаган ҳолда кўзларидеги намни артди...

Мамасидиқ ота ёшлигидан катта ашула айтиб юрарди. Лекин бу кун у дил қатига турган сўзларини қўшиқ қилиб куйлади. Унинг йилгиланларга миннатдор боқишидан шунинг аңлаш мумкин эди.

Абдугани ДАМИНОВ, Избоскан тумани.

• ИШОНМАЙСИЗМИ? ЧИННИ ЧИҚИТИДАН МУРЧ

ёки Самарқанддаги Сиёб бозорида рўй бераётган қаллоблиқлар ҳақида

— Ростини айтсам, бозордаги олибсотарлар ва қаллоблар билан курашиш оғир кечаяпти, — деди Самарқанддаги Сиёб бозори директори У. Турақулов. — Ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорликда деярли ҳар кун назорат ўтказамиз.

Шундан сўнг биз бозор ветеринарии лабораториясида бўлдиқ. Унинг ходимлари Рафиқ Хотамов ва Ҳалима Исқандарова ўнлаб махсулотларни таҳлил қилаётган экан.

— Мана бунинг албатта сиз ҳақиқий мурч деб ўйлайсиз, — гапта қўшилди лаборатория бошлиғи Аббос Муртазов чийройти яшил қоғоздан тайёрланган пакетни кўрсатиб. — Ҳақиқий, фабрикада чиққандек. Тамгалари ҳам бор. Лекин текшириб кўрсак, унинг таркибиде куйдирилган ун, лавлагги уруғининг майдаланган, ҳатто чинни кукунни ҳам бор экан. Уругуллик Мўмин Шаропов эса бемалол ушбу «мурч»ни сотиб ўтирипти.

Бошқа махсулотларга ҳам назар ташладик. Мана буниси кремли муҳамулотлар. Аслида у сунъий ранг ва «зеленка» дорисидан тайёрланган. Офтобда бўжмайиб қолган. Ё Раб! Одамлар нималарни ўйлаб топишмайди. Наҳотки бунақ бундай муқаймоқ болалар соғлиғига таъсир қилишини биллшмасая!

Мана буниси эса қалампир. Елим турвачаларга солинган. Уни Фарғонаниннг Дангара тумани Бойбута қишлоғидан Жалол Болтабоев олиб келган. Яхшилаб текширилганда «қалампир» таркибига ёғоч қириндиси, олмақоқи, ун кепачи ва қизил сунъий ранг қўшилганлиги аңқиланди. Минг афеуски эгаси Фарғонага кетиб қолган экан. Акс ҳолда биз у кишидан ўз махсулотини татиб кўришини илтимос қилмоқчи эдик...

Мана бу қовунларнинг таркибиде нитрат кислотаси меъьрагидан анча ортиқ. Таъм деган нарса йўқ. Уни Қашқадарёнинг Нишон туманидан Аҳмад Йўлдошев ва Карим Пирматовлар олиб келишган. Лабораториядагиларнинг айтишича, катта ҳаражат билан олиб келинган бу қовунларнинг барчаси сотилмасдан йўқ қилинган.

Халқимизда «отанг бозор, онанг бозор» деган нақл бор. Дарҳақиқат, бозор ризку рўзимиз манба, турмушимиз ойнаси. Бу ерда олибсотарлар ва қаллобларга йўл йўқ. Бунинг учун шундай шахслар устидан назоратни янада кучайтиришимиз, ҳуёуёсан соломатлигимизга зарар келтирадиган махсулот тайёрлаб сотаётганларга нисбатан каттиқ чоралар қўллашимиз лозим.

Фармон ТОШЕВ.

Ўзбекистон Республикасини Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги раҳбарлиги та жамонаси Бухоро электр тармоқлари бош муҳандиси Р. Ж. Маматовга падари буюртмаси

ЖУМАБОВ отанин рафот этилишти муносабати билан чўқур тўланг исроҳ этилди.

Республика Кишлоқ ва суҳҳаллиги вазирлиги марказий департи. Касаба уюшмаси кўнлиси Сурхондарё вилояти КСХБ бошлиғи Соғмурод Журвевга бошлиғ

Улашхон ЖУРАБАЕВИН рафот этилишти муносабати билан чўқур ҳамдарлик билдирилди.

Х. ШУКУРОВ, ЎЗА мухбири.

ВИДЕО МУХБИРАРИ ХАБАР КИНААЛИГАР

Анджон:

Йулдош Охунбоев номли вилоят театри санъаткорлари «Лайли ва Мажнун» асарини яна саҳнага олиб чиқдилар. Маълумки, бу ўлмас асар узоқ йиллар муқаддам устоз санъаткор Аббос Бакиров томонидан саҳналаштирилган эди.

Бу асар ижодий жамоанинг Аббос Бакиров таваллудининг 85 йиллигига муносиб тухфаси бўлди. Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби Салоҳиддин Умаров билан Ўзбекистон халқ артисти Ҳошимжон Олимжоновлар асарга режиссерлик қилдилар. Муҳлислар Лайли образини қиёмига етказиб талқин этган Шарофат Тожибоева, Мажнун бўлиб саҳнага чиққан Абдулҳамид Одиловларни олқишлар, гуллар билан қутладилар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.

Фаргона:

Бухорои Шарифнинг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик ишлари Фаргона водийсида ҳам қизгин бошлаб юборилди. Ана шу қутлуғ тантана арафасида Қўқонда Бухоро шаҳри хунармандларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда қадимий шаҳар довуруғини дунёга ёйган хунармандларнинг 200 дан зиёд турдаги маҳсулотлари намойиш этилди.

Қўқонликлар хунармандларнинг нозик санъатини, ажойиб маҳоратини юқори баҳолади. Шаҳардаги бир қанча савдо ташкилотлари кўргазма баҳонасида Бухоро шаҳридаги бир қатор хунармандчилик корхоналари, фирмалари, устоналари билан шартномалар тузишди.

Энди қўқонликлар шаҳар юбилейи арафасида Бухорода ана шундай кўргазмани ўтказишга тайёргарлик кўришапти.

Набижон СОБИР.

Жиззах:

Яқинда Жиззах туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа ҳўжалигининг Куёвбоши қишлоғи аҳолиси маҳаллий сурувчилардан ажойиб совға олишди. Бу ерда барча тиббий қулайликларга эга бўлган қишлоқ врачлик пункти ишта туширилди.

Ҳ. НАБИРАЕВ.

АПАЛЬГИН АНАЛЬГИН -500 мг



Шаҳар дорихоналаридан сўраб.



УНУТИЛМАС БУ КУНЛАР



1997 йил, 10 сентябрь. Теннис бўйича халқаро «Президент кубоги» мусобақаси халқ қилувчи паллага кирди. Шу кун спорт иштирокчиларига яқиндан таниш бўлиб қолган Клавет (Испания), Санчес (Испания), Спадава (АҚШ), Хенмен (Англия) 1/4 финалга йўлланма олди. Уларнинг рақиблири -- Эрлих (Исроил), Павел (Руминия), Ран (Исроил), Волков (Россия)лар ўртақхўл ўн олтиликда қолиб кетди. Исроилдан Велгрин, Швейцариядан Россесе мусобақалар тартибига кўра бироз кечикиб, Каратти (Италия) ҳамда Черкасов (Россия)ни 1/32 босқичда қолишга мажбур этишди. Энди 1/4 финалга чиқиш учун Велгрин, Кафельников билан учрашади. Россесе эса, Сантопадренинг рақиби бўлади.

● МУСОБАҚА ЮЛДУЗЛАРИ

КЛАВЕТ ФРАНСИСКО (ИСПАНИЯ)

1968 йилнинг 24 октябрида туғилган. Айни замонда у мамлакатнинг энг гузал шахарларидан бири -- Мадридда истиқомат қилади. Бўйи 1 метру 83 сантиметр. Оғирлиги -- 71 кг.

Клаветнинг дунёдаги бошқа профессионал теннисчилардан ажралиб турадиган томони шундаки, аксарият «юлдуз»лар ўнг қўлда ўйнаса, Клавет чап қўли билан рақиблирини орда қолдиришга ўраган. 1997 йил ҳисобидан салкам 300 миң доллар даромад қилган. 1992 йилнинг 13 июлигача профессионал теннисчилар таснифида 18-ўринда турган.

Франсиско Клавет 1990 йилда Хилверсумда (финалда) Эдуардо Масони мағлубиятга учратиб, дунё профессионал теннисчилари (ПТА-тур) мусобақаларида биринчи «чемпионлик юриш»ларига эришган. Ордан кўп ўтмай у ер юзидagi энг сараланган кучли юзта теннисчи орасидан фахрли жой эгаллаган.

Клавет шу кунга қадар мингдан ортиқ учрашувда қатнашиб рақиблирининг 90 фоизини чаққонлиги улаббуронлиги билан енгган. Сунгра ПТА-тур мусобақаларидаги галабалари эвазига тасниб бўйича 30 теннис устасидан ичидан жой олди. Шу бўйича қадар бешта энг йирик профессионал мусобақаларнинг 1/2 финалигача етиб келган.

Испания теннисчилари ўртақхўл алоҳида мавқега эга бўлган бу ўлган теннис тарихининг этан қўлига мамлакатларнинг очиқ чемпионатида иштирок этиб, яхши кўрсаткичларга эришган.

Шу жумладан Франция очиқ чемпионатидаги ютуқлари уни ушбу чемпионатнинг энг кучли дея топишган 16 профессионал ўртасига олиб кирган. Пул, давлат, ҳур-



мат-изат борасида ҳам унга тенг-лашадиган теннисчи Испанияда кам топилади.

1995 йилга келиб Франсиско Клавет ПТА-тур ҳисобидан Палермода ўтказилган мусобақанинг финал ўйинида Бурилио устидан соф галаба қозонган.

Теннис шундай нозик ўйинки, унга жуда ёшлиқдан бошлаб кўнгли бермас, ҳеч ким, ҳеч қачон ўй истаган чўққиларни забт



этомлади. Бунда асосан устоз, мураббий сабогининг аҳамияти беқиссидир. Чунки дунёдаги аксарият теннис «юлдузлари» жуда эрта -- яъни 6-7 ёшдан



шуғуллана бошлаган. 6-7 ёшли гулак нимани ҳам фарқлай оларди. Бу борда уларга албатта тайинланган мураббийнинг кўрсатган йул-йўриқлари ақоштиши турган гап.


Клаветларнинг оиласида ҳам тўрт фарзанд бўлиб, уларнинг ҳаммаси спорт иштироки эди. Теннис ўйнаб, мусобақалашиб, гоҳида жанжаллашиб турарди. Футбол, баскетбол, енгил атлетика турлари ҳам Франсиско Клаветлар оиласининг жону дили десам, муболага бўлмади. Ҳақиқатдан ҳам Клавет мамлакатдаги «Реал» баскетбол клубига ҳаминша тарафқашлик қилади. Футбол командаларидан эса Европанинг энг чаққонёқ йитиглари жамланган «Атлетико»ни севади.

Катта теннис майдонига дадил кириб келган бу марду майдон, кейинги 6 йил ичида беш бор ПТА руйхатидаги мусобақа-

ларнинг энг ажбр, моҳир 50 теннисчилари сафига қўшилди. Амстердамдаги мусобақада у финалда Эль Анау устидан галаба қилди. Челленжер мусобақасида эса энг сўнгги баҳсни россиялик Чеснокова бой бериб қўйди.

Шу кунга қадар Франсиско Клавет дунёга машҳур бўлган профессионал теннисчилардан бўлиши Кафельников, Коррежа, Чан, Хюнгенлар билан ўзаро куч сынашиб қўрган.

Хўплас, испанининг улаббурон ушбу теннисчиси ҳақида бемалол битта асар яратиш мумкин. «Президент кубоги» мусобақасида у биринчи бор қатнашмоқда. Шу бўйичага ўтказилган мусобақаларда аргентиналик Канасни, исроиллик Эрлихни мағлуб этиб, навбатдаги учрашувда испаниялик Санчесга қарши қорпта тушишга тайёргарлик кўрмоқда.



10 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ

- Велгрин -- Каратти -- 6/4, 6/2. Россесе -- Черкасов -- 6/4, 6/2. Клавет -- Эрлих -- 3/6, 6/4, 6/3. Санчес -- Сабау -- 6/2, 6/0. Спадава -- Ран -- 7/5, 6/7 (4), 6/3. Хенмен -- Волков -- 6/3, 6/3.

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

САНЧЕС:

-- Шу пайтга қадар руминиялик Павел Сабау билан қорпта учрашмагандим. Шунинг учун ҳам ўйинимиз бироз қийинроқ бўлди. Гарчанд мен юртан бўлсам-да Павел ҳам моҳир теннисчи бўла олишига ишонч ҳосил қилдим.

Испанияда теннис жудаям ривожланган. Номдор теннисчиларимизнинг ўртача ёши 22--27 ни ташкил қилади.

Бизнинг оилада ҳамма теннис билан шуғулланади.

РОССЕ:

-- Тошкент кортлари менга ёқди.

«Президент кубоги»га келишимдан мақсад, дунёда кучли 15 профессионал теннисчилар руйхатига кириш. Шунга ҳаракат қиламан.

Мен шу бўйича қадар Евгений Кафельников билан етти марта учрашиб олти бор ютганман, бир марта енгиланман. Дунёдаги номдор теннисчилар ичида Сампрос энг ноқулай рақиблим бўлган.

Сўнгги мақсадим, Тошкент шаҳрини мириқиб айланиш.

Нормурод МУСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Р. Галиев, В. Сучнов, А. Рихсиев суратлари.

● МУХТОР АВЕЗОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Мухтор Аvezов номи XX аср туркийзабон адабиётида муносиб ўрин тутиши, маълум. Адибнинг илк ижод намуналари Тошкент шаҳрида яратилганини, бунга Гайнижамол исми аёл сабаб бўлганини... кўпчилик биланвер-маса керак.

Гайнижамол ким эди? Кутимова Гайнижамол Мустафо қизи 1900 йилда Омби (ҳозирги Омск қалъаси)да дунёга келади. Отаси -- Мустафо, онаси -- Бекасултон. Отаси Мустафо 1910 йилда дунёдан ўтган. Гайнижамол 1911 йилда Омбидаги гимназияга кириб, ўқий бошлайди.

«Ур-ҳо-қир» пайт эди. Ана шундай гала-говур, нотинч замонда ёш ва сулувл Гайнижамол ўзи каби навқирон ва келишган қозоқ йигити Далил Сарсенов билан топишиб, кўнгли қўшади. Насиб

ба экан, ёш эр-хотин 1923 йилда Тошкентга кўчиб келиб яшай бошлайдилар.

Далил Шиглийк ўли 1932 йилда Ўрта Осие қорвачилик институтининг директорининг ўринбосари лавозимида ишлаб турган чоғида касалланиб вафот этади.

Гайнижамол Мустафо қизи 1928 йилда САГУнинг доричилик факультетини тамомлаб, шу ўқув даргоҳининг акушерлик-гинекология бўлимига ординатор этиб тайинланади. 1931-1932 йилларда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссариатига қарашли оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи бўлиб хизмат қилади. 1936 йилдан бошлаб у илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам шуғуллана бошлайди.

Далил Сарсенов ва Гайнижамолларнинг дўстлари кўп эди. Мухтор Аvezов, Султон Гаули ўли Абдурахмонов -- мана шу оиланинг ҳаминша азиз меҳмони эди. Сул-

тон ва унинг хотини Ҳуснияларнинг Рау, Рашид, Руза, Завра исми шириндан-ширин 4 фарзанди бор эди. Гайнижамол опа ўзининг суянган тоғи, оиласининг боши -- Далил оға дунёдан ўтганидан кейин Ҳусния билан Султонларнинг туртинчи фарзанди -- Заврани ўз тарбиясига олади. Гайнижамол опанинг уйдаи ўз қизи бўлиб воёга етган Завра ҳам доричилик институтини

ли тиббиёт намоедаси Гайнижамол Кутимова 1947 йилда илмий-ижтимоий фалсияти айни гуллаб-яшнаб турган пайтга, декабрь ойида тўсатдан вафот қилади.

Бутунги кунда Гайнижамол опанинг қўёви Серикжон Ботир ўли Қорабоевнинг қўлида машҳур адиб Мухтор Аvezовнинг қалами-тоғи, оиласининг боши -- Далил оға дунёдан ўтганидан кейин Ҳусния билан Султонларнинг туртинчи фарзанди -- Заврани ўз тарбиясига олади. Гайнижамол опанинг уйдаи ўз қизи бўлиб воёга етган Завра ҳам доричилик институтини

бошлаганини хабар қилади. 1942 йилда «Абай» романи китоб бўлиб чиққанида муаллиф ўз қўли билан: «Дўстимга, азизим Гайнига чин дўстлик ва чуқур самимий ҳурмат белгиси ила» деб дастхат битиб беради.

1943 йилнинг 30 март кунини йўллаган хатида Мухтор Аvezов ўзининг бир йил мобайнида кеча-қундуз тинмай ижод қилгани, шу сабабли хасталаниб қолгани, мана бу хатни шифохонада ётиб ёзаётганини хабар қилади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг музейида бўлганимизда, музей ходимлари Турар Рискўлов, Санжар Асфандиёровлар қатори Гайнижамол Кутимованинг ҳам Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишларига қўшган ҳиссаси ҳақида гапириб бердилар. Қисқагина умрида икки халқнинг -- қозоқ ва ўзбек халқларининг сеvimли фарзандига айланган Гайнижамол ҳақида мухтасар ҳикоямиз шулардан иборат.

Мекембой УМАРОВ, Музаффар АҲМАД.

ГАЙНИЖАМОЛ КИМ ЭДИ?

тамомлайди, кейинчалик таниқли тиббиёт намоедаси, моҳир жарроҳ бўлиб халққа хизмат қилди.

Мана шу Завра опа бир кунини гапдан-гап чиқиб, Мухтор Аvezов ҳақида гапириб берди:

Мухтор Аvezов бизнинг уйимизга тез-тез келиб турарди. Гайнижамол опам билан иккови ўртасида чин маънодаги самимий дўстлик бор эди. Уйимизда сақланаётган Мухтор опанинг Гайнижамол опамга ёзган мактублари мана шу улкан дўстликнинг далиллари.

Гайнижамол опа 1938 йилнинг январь ойидан бошлаб Ўзбекистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарининг ўринбосари бўлиб ишлаб бошлайди. Шунингдек, ўша йили Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига депутат бўлиб сайланади. 1942 йилда фан номзодлиги, 1947 йилда фан докторлиги унвони учун тайёрлаган илмий ишларини муваффақиятли ёқлади. Атоқли оlima, файрат-

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда 1997 йилга қуйидаги мутахассисликлар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади:

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

ҳозирги замон адабиёти, герман тиллари, тилшунослик назарияси.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

педагогика тарихи ва педагогика назарияси, ўқитиш услуби.


Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртлари дастури ҳажмида қуйидаги танлов кириш имтиҳонларини топширадилар:

- 1. Мутахассислик бўйича. 2. Фалсафа. 3. Ўзбекистон тарихи. 4. Чет тили.

Кириш имтиҳонлари 1997 йил 1 ноябрдан бошланади. Қабул қилинган тартиб асосида расмийлаштирилган шахсий ҳужжат ва мутахассислик бўйича рефератни 1997 йил 20 октябргача юбориш керак.

Манзилимиз: 700138, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Собир Юсупов кўчаси, Г-9,,а" мавзеси, 21-,,а" уй, Аспирантура бўлими.

Телефонлар: (3712) 75-55-61, 75-09-91.



Халқ сўзи Народное слово logo.

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Хатлар 136-55-39; Ҳуқуқ ва қонунийлик 136-37-85; Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94; Маънавият 136-35-60; Туни муҳарририят 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан утиш тартиби № 0001. Буюртма Г -- 0594, 34.114 нуسخада босилди, ҳажми -- 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қозғоқ бичими А-2. Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир -- Й. Исмоилов. Навбатчи -- Ш. Каримов, Мусахҳиҳ -- Ш. Режапов.